ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

# ЯХШИЛИКЛАР ЁҒИЛАР КУН БУ

***Бисмиллаҳир роҳманир роҳим!***

***Аввало Оллоҳ таолога беҳад ҳамду санолар бўлсин! Бугун ер юзига раҳмат ва мағфират ёғиладиган кундир. Зеро, ҳар бир муслимнинг кўнглига ёруғ нур тўкиладиган кун ҳам бугун бўлса не ажаб! У ёғи Яратганга аён.***

Шундай муборак лаҳзаларда сиз ҳам кўп бор кузатгансиз: негадир бирдан одамлар бир-бирларига жуда меҳрибон ва шафқатли бўлиб қоладилар. Бул ғаройиб ҳолатда қандай ҳикмат яширинган экан-а? Ҳисоблигина кунларнинг бунчалик хуш ва сермулозаматлигида не сир бор? Бир кун аввал меҳрга эмас, қаҳрга тўлиб турган кўзлар нечун бирдан нурга тўлиб кетди?

Аслида бунда сизу биз ва бутун авлод-аждодимиз излаган ЎЗЛИКнинг ўлмас ҳақиқати зоҳир этилмаганмикин? Бу ҳақиқат йўли Оллоҳни таниш экани минг бора такрор ва такрор айтилган. Унинг сирри-ҳикматини изоҳламоққа бизга йўл бўлсин?



Имом Муслимдан бир ривоят келтирадилар: «Расуллуллоҳ Муҳаммад салоллоҳу алайҳис васаллам демишларким: «Кимда ким ўзига нимани раво кўрса, ўшани ўз биродарига ҳам раво кўрмагунча мусулмон бўлолмайди». Ана энди ҳали биз юқорида эслаган кўнгиллар меҳрга тўлиб уйғонадиган кунларнинг сирларини англаётибмиз. Чунки ҳар бир инсон бир-бирига дўст, биродар. Мусулмон бўлса-ку, инчунун. Кўрсатилган лаҳзалик иззат-икром, айтилган бир калима илиқ сўз ё юз-кўзлар орқали изҳор этилган самимий қараш-табассумда ҳам туганмас яхшилик ва иймон нурлари яшириндир. Уларни сўз билан айтиш мушкул, кўз билан кўриш қийин. Фақат англаш ва ҳис қилиш мумкин.

Ҳазрат Алишер Навоий бобомиз бежиз «Ажаб саодат эрур қолса Яхшилик бирла от» демаганлар. Икки дунёнинг ҳақиқати ҳам аввало яхшиликда. Бул саодатга етмоқ учун дастлаб дунёнинг аввалини англамоқ лозим бўлади.

Дарвоқе, Абул Ҳасан Кисоийнинг Одам Ато ва Момо Ҳаво ҳақиндаги машҳур ривоятини эсланг. Қиссадаги мана бу парча ҳар биримизнинг кўнгил мулкимизга айланиб кетган, десак муболаға бўлмас.

РИВОЯТ:

Оллоҳ таоло Одамга нидо қилди:

-- Эй, Одам сенинг дилингда Ҳавога нисбатан, Ҳавонинг дилида сенга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғулари борлиги менга аён. Ҳаво билан кўришганингда унга хушмуомала бўлгил, чунки у бўлғуси ўғилларинг ва қизларингга она бўлишини тиларман.

Шул аснода Ҳаво денгиз соҳилида ўтириб эди. Ҳазрат Жаброил унинг қошига келиб, айтдики:

-- Эй, Ҳаво, мана бу либосларни кийиб ортимдан юргил. Зеро, сен энди Байтул-ҳарамга кирурсан ва унда Оллоҳга топинурсан!

Ҳазрат Жаброил шу сўзларни айтиб, Ҳавога жаннатдан келтирилган куйлак ва ёпинғич берди. Ҳаво бу либосни кийиб олгунича тескари қараб турди.

Ҳаво ўшал либосни кийгач, ҳазрат Жаброилнинг ортидан йўлга тушди. Бу йўл Ҳавони Байтул-ҳарамнинг машриқ тарафига олиб келди. Бу воқеа муҳаррам ойининг ЖУМА куни юз берди.

Шу пайт Ҳаво ўтган машаққатли йиллар давомида ўзининг ҳусну-малоҳатини йўқотганига ачиниб, йиғлай бошлади. Фаришта уни (юпатиб) қўлидан тутиб, Ал-Марво тепалиги чўққисига етаклади. Бу тепаликда (биринчи марта) аёл ўтиргани учун Ал-Марво деб аталди.

Ҳазрат Одам Маккадаги Байтул-ҳарамнинг мағриб тарафига келиб Ас-Сафо тепалиги устига ўтирди. Бу ердан туриб ҳазрат Одам бениҳоя қудратли ва бениҳоя улуғ Оллоҳ таолога мурожаат қилди:

-- Лаббайка, Оллоҳумма, лаббайка! Даргоҳинг улуғ, ўзинг беқиёссан! Ат-таҳийёту-лиллоҳи васаловоту ва-т-таййибот! Лаббайка, Оллоҳумма, лаббайка!

Ҳазрат Одам Ас-Сафода турганида Худои таолодан нидо келди:

-- Эй, Одам, қувонгил, қаршингдаги Ал-Марво тепалигида Ҳавони кўргайсан. У билан дийдор кўришгил. Аммо мен буюрган барча расм-русумларни адо этмагунингча, унга қўлингни тегизмагил!

Шундан сўнг ҳазрат Одам Ас-Сафо тепалигидан туша бошлади. Ҳаво эса Ал-Марво тепалигидан туша бошлади. Иккаласи водийнинг ўртасида учрашдилар. Улар бир-бирларининг дийдорига етишганларига шукрона айтиб, бир-бирларига қараб тўймас эдилар. Шундан кейин улар ҳар куни шу ерда учрашиб, узоқ-узоқ суҳбатлашадиган, ўтган кунларини, қисмат-тақдирларини эслайдиган бўлдилар. Қоронғулик тушганида эса Ҳаво Ал-Марво тепалигига, ҳазрат Одам Ас-Сафо тепалигига қайтиб кетар эдилар.

Шул аснода улар муайян расм-русумлар адо этиладиган Зулҳижжа ойига қадар учрашиб юрдилар. Шундан сўнг самодан Жаброил алайҳис-салом тушиб, ҳазрат Одамни зиёрат расм-русумларига ўргатди. Сўнг Жаброил алайҳис-салом Одамга эҳром боғлашни ўргатди ва уни қўлидан етаклаб, Байтул-ҳарам (Каъба) атрофида етти марта айлантирди. Сўнг У Одамга Ҳаж зиёратининг Иблисга тош отиш ва бошқа расм-русумларни ҳам ўргатди. Шулар ҳаммаси бажо келтирилгач, Жаброил алайҳис-салом айтди:

-- Эй, Одам, бас, етар. Оллоҳ таоло сенинг ибодатингни қабул этди. Энди Худойим сенинг Ҳаво бирла қовушувингга ризолик билдирди.

Шундан сўнг ҳазрат Одам жума кечаси Ҳаво бирла қовушди. Жума куни муродбахш кун бўлиб, бу кунда яхши тилаклар ижобат бўлғуси. Дарҳақиқат шу кечаси Ҳаво фарзандга ҳомиладор бўлди...»

«Замондан койиманглар, зеро, замоннинг эгаси -- Оллоҳдир» дейилади Ҳадиси шарифда. Ўз озодлигининг олтинчи йилини кутиб олаётган Ўзбекистонда ҳам руҳий уйғониш лаҳзалари давом этаяпти. Шўролар замонида «қора рўйхат»га кирган анъаналар энди оммавийлашиб кетди. Бир маҳаллар таъқиқланган энг ноёб диний адабиётлар, қўлланмалар бугун ҳар бир қондошимизнинг бебаҳо бойлигига айланди. Ёхуд улуғ байрамларимиз ҳисобланмиш Муборак Рамазони Шариф ва Қурбон ҳайити кунлари дунёнинг тўрт бурчидан қутловлар келса бошларимиз осмонга етиб кетади.

Жаҳон ҳамжамиятида ўрнимиз ва овозимиз борлигидан суюнамиз. Бугун эса ҳар бир мўмин мусулмон қалбида яна Яшариш ва Тозариш бошланяпти. Яхши кунлар нурли кунларни етаклаб келади, деганлари шу бўлса керак-да. Бу неъматларнинг бари Яратганнинг бизларга кўрсатаётган беҳад катта иноятидир.

Шул муборак лаҳзаларда ҳар биримизнинг кўнглимизда фақат юртимиз қолаверса, хонадонимизга Тангридан тинчлик, омонлик, тўкинлик бахтини бериши тиланади. Бундан ўзга тилов бормикан дунёда!

Шукур қилайлик, Яратганнинг инояти ва фазлу кароматии ила шундай кунларга етдик. Умр эса карвондай ўтаверади. Ортимизда яхшилик излари қолса, савоб ёзилади, қолмаса... Чунки «ҳар йил бир манзилдай, ҳар ой бир фарсаҳ янглиғ, ҳар кун бир чақирим мисол ва ҳар нафас бир одимдек ўтгусидир (Абу Ҳомид Ғаззолий)». Умидимиз -- даргоҳи илоҳидан фақат жонфизо юртимизга яхши кунлар сўрайлик.

**Норқобил ЖАЛИЛ.**

---

СЎНМАС ЮЛДУЗЛАР

# ЁНИБ ЯШАГАН АДИБ

***АВВАЛ. Ҳар бир кун ўз хислатига эга, лекин жума алоҳида, муборак кун. Учрашувга отланган жума куни тонгда телефон жиринглади. Саксонга яқинлашиб қолган онамлар. Ҳар кунгидек «Яхши ишлаб ке болам», деб фотиҳа бердилар-да, оғир хўрсиниб, «Борган жойингда энг аввал тиловат қилишни унутмагин-а, ахир бугун...» дея огоҳлантирдилар. Волидаи муҳтарамам гаплари амри вожиблигиданми, кириб борган хонадонимдаги оғир сукунат таъсириданми, майин табассум ила «хуш келибсиз», дея боқиб турган гўзал сурат соҳибининг бу дунёда энди йўқлиги аламиданми, фотиҳадан сўнг қай ҳолатда Қуръон ўқиганимни билмайман. Назаримда кейин сал тинчидим. Йўқ, мен эмас, бундан руҳлар таскин топди шекилли. Ва кейингина катта адиб, ноёб истеъдод соҳиби, ажойиб ташкилотчи раҳбар, покиза инсон Ўлмас Умарбеков билан салкам қирқ йил бирга яшаган Зуҳра Умарбековани гурунгга чорладим.***



СУҲБАТ. Лекин хаёлимда ғужғон ўйнаётган саволларни бериш суянган тоғининг доғи юз-кўзлари, қадди-қоматига сезиларли тегиш берган бу аёлни ўша оғир хотираларни кўнгил ойнасидан яна бир карра ўтказиб, эслаш билан баробарлигини сезардим. Юрак яраси, айрилиқ яраси, ҳижрон яраси... Буни бошидан ўтказган билади. Ҳалиям бўлса Опа мендан-да иродали эканлар. Ўзлари бошладилар:

-- Эркаксиз уй ҳувиллаб қоларкан... Шу жойларни ўзимиз бирга қурганмиз. Ҳов анави, ҳовлининг бошидаги кичкина уйчани ўзларига алоҳида ижодхона қилиб олгандилар. Ўлмас акангиз райҳонни жудаям яхши кўрардилар. Ҳар йили баҳор келиши билан ўзлари ер чопиб, райҳоннинг ҳар туридан экардилар. Ҳовлидаги дов-дарахтлар, ток у кишининг қўли тегиши билан амалга кирарди. Билмадим, ё менга шунақа туюлармиди.

Сира ёдимдан чиқмайди. Ёш эканман-да, бир сафар қурилиш кетаётган, ҳали битмаган шу ҳовлида ёлғиз қолибман. Шунда роса йиғлабман. Бу менинг ёдимдаям йўқ. Ўлмас акангиз дардга чалиниб, бир-икки шифохоналарда даволаниб қайтганимиздан кейин шу воқеани эслатди. «Ёлғизликдан қўрқардингиз, кейин нима қиласиз», дейдилар нуқул. Ўшандаям мени ўйлаган эканлар-да. Энди сезяпман том маънодаги Ёлғизликни... Худога шукур, Умидам — қизим бор...

Савол бериш оғир. Опани бу ҳолатдан қандай чиқариб олишни ўйлайман.

**-- Зуҳра опа, Ўлмас ака билан қанақа қилиб танишгансиз?**

Маъюс кўзлар чақнаб кетди, назаримда.

-- Вой сингилжоним-а, пахтада-да... Университетга кирган йилим, филфакда, рус группасидаман. Пахтага бордик. Автобусдан тушаётганимизда чиройли от миниб юрган йигитга кўзим тушди. Ўшанда «бунчаям кўҳлик, истараси иссиқ, ёқимтой бўлмаса», деган хаёлга борганман. Бригадир қилиб жой тайёрлаш учун уч-тўрт кун илгари юборишган экан-да, шунинг учун бизларни кутиб олганлар. Дарров ишга киришиб, оғир-оғир юкларни баракка ташиб бергандилар. Ўша илк бора от устида кўрганимни сира унутолмайман...

**-- Кейин нима бўлди?**

-- Кейинми... Кутубхонада учрашиб қолардик. Гаплашмасдиг-у, аммо нуқул менга яқинроқ жойга келиб ўтирганларини сезардим. Бир куни атайинми, билмайман, университет бўйича шахмат мусобақасида қатнашиш учун рўйхатга киритиб қўйибди. Комсорг эди-да. Мусобақа кеч тугади. Шунда ётоқхонагача кузатиб қўйди. Гаплашиб кетдик. Мен етимлигим, у киши ота-оналари, опалари, икки сингил ва бир укалари ҳақида гапирди. Шу-шу унда-бунда учрашиб турадиган бўлдик. Бир сафар келганларида жуда ташвишли кўринди. Сабабини сўрасам оналарининг ўчоқдаги катта, оғир қозонни кўтариб орқасидаги қурумини тозалаганларини куйиб-пишиб гапириб бердилар. Оналари оғир нарса кўтарганларига шу даража эзилиб кетгандиларки... Очиғи, ҳамма ҳам онасини бошига кўтарадию, аммо бу кишиники назаримда бошқача эди. Сизга таърифлаб ҳам беролмайман. Аёл зотини жуда улуғлар, эъзозлар, керак бўлса бошларига кўтарардилар... Шу куни ётоқхонага яқинлашиб қолганимизда ғира-шира эди. Йўлда ерда ётган бир даста, пулга кўзимиз тушди. Қизиғи шундаки, кўрдигу, аммо у киши ҳам, мен ҳам уни олишни ҳатто хаёлимизга ҳам келтирмабмиз. Ўғирланганми, тушиб қолган бўлса керак. Пулнинг икки тарафидан ҳазар қилгандек ўтиб кетдик. Ўлмас акангиз покиза, диёнатли инсон эдилар, бунақа нарсаларга сира учмаганлар.

**-- Тўйларингиз...**

-- Эллик бешинчи йили бўлди. Ўша йили аввалги «Қизил Ўзбекистон» газетасида «Менинг замондошим» номли конкурсда илк ҳикоялари билан қатнашиб, Ўлмас ака ғолиб бўлганди. Шу боис қайнона, қайнотам учун «изли-қутли» келин эдим. У вақтлар Ўлмас ака ҳам ўқиб, ҳам радиода ишларди. Бу ерда оддий ходимликдан бош муҳаррирликкача кўтарилди. Ишлари кўп бўларди. Қайси ишда, қандай лавозимда бўлмасин одатлари юзакиликни ёмон кўрарди. Астойдил, берилиб, кўнгил қўйиб ишларди. Атрофдагиларидан ҳам шуни талаб қиларди. Кейин жуда куйинчак эди...

Зуҳра опани энди тўхтатиб бўлмасди, хотиралар уммони қуйилиб-қуйилиб келаётгани билиниб турарди. Шу зайлда уларга савол беришнинг йўли ҳам йўқ эди.

-- Бир сафар Қорақалпоғистонга борадиган бўлиб қолди. «Оролни кўриб келамиз», дея қанчалик хурсанд кетган бўлсалар, шу даража тушкун кайфиятда, қаттиқ чарчаган одамдек ҳорғин қайтди. Ишонасизми, ўша тун мижжа қоқмади. Орол фожиасини гапириб бердилар. Ўзи қизиқ одатлари бор эди-да, ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳеч нарсани яширмай ипидан игнасигача эринмай «ҳисобот» берарди. Кейин менинг ишимни сўрарди. Энди ўйлайман-да синглим, бирга яшаб бирор мартаям на мен, на у кишида бир-биримизга нисбатан ишончсизлик, ҳурматсизлик бўлмабди. Аслида бизларни қаттиқ боғлаган нарса ҳам ана шу Ишонч бўлган бўлса керак...

**-- Наҳотки, у кишини сира рашк қилмагансиз, -- ҳазил аралаш сўрайман.**

-- Ўлмас акангизни рашк қилмасликнинг ўзи мумкин эмасди, -- куладилар Зуҳра опа. -- Лекин бунга очиғи асос ҳам бўлмаган. Яна бир нарсани айтишим керак, Ўлмас ака ҳар жиҳатдан гўзал инсон эди. Худо берган ҳам ички, ҳам ташқи ҳусн мужассам эди у кишида...

**-- Шундай қилиб, Орол нима бўлди?**

-- Ҳа, Орол ҳақида ҳамкасблари Абдукарим Абдуазимов билан бирга катта мақола тайёрлаб газетага беришди. Ана кутишди, мана кутишди, бироқ у чиқмади. Бўлмаса жуда тишли-тирноқли, далилларга бой, муаммоли мақола эди. Қайтага қайсидир газетада босилган «Қиёмат қарз» деган ҳикоялари баҳона бўлдию, ҳукумат идорасига ишга тайинландилар. Лекин кейин ҳам анчагача афсус билан эсладилар ўша мақолани.

**-- Ўлмас ака ҳаётлари давомида катта лавозимларда, ҳукумат идораларида ишладилар, лекин у киши аввало ёзувчи эдилар. Ижодлари қай тарика бўларди?**

-- Туну кун десам, ишонаверинг. Гап фақат ёзишда эмас. У киши ёзадиганларини аввал обдон мияларида пишитиб юрардилар. Кейин бира тўла ўтирардилар. Бироқ бунга имкон қайда. Шунинг учун фақат меҳнат таътили асосан ижод ойи ҳисобланарди. Гоҳ ўзлари қурган ҳужралари, гоҳ Малеевка, гоҳ Юрмала бир ойлик ижодхонага айланарди. Ҳамма отпуска қилиб дам олса, Ўлмас акангиз бир асарни тайёр қилиб дам оларди ва бундан нолимас, аксинча руҳан тетик, кайфлари чоғ бўлиб яна хизматга қайтардилар. Ҳаммадан ҳам таътилни уйда ўтказишлари қизиқ эди. Сал толиқдиларми, ўчоқда ўзлари ош дамлашга уннарди. Иштаҳали, зираворлари бисёр палов дамларди раҳматлик. Кўпинча туни билан ишлардилар-да ғира-ширада мени уйғотиб, ёзганларини ўқиб берарди. Ана ундан кейин оилавий муҳокама бошланиб кетарди.

**-- Шунинг учун ҳам ёзувчининг хотини бўлиш қийин, дейишса керак-да?**

-- Қийинлиги қайси маънода, биласизми? Гап у кишига иложи борича тинчлик, осойишталик яратиб беришда! Яна бир томони, ўша ижодкор турмуш ўртоғингнинг меҳнати қадрига етиб, зарур бўлганда унинг хатосини ҳам айтишда.

**-- Буни Ўлмас ака тушунармидилар ёки жаҳллари чиқармиди?**

-- Шунча яшаб нафақат мени, умуман ҳеч кимни бирор марта койиганларини эслолмайман. Асарларига келсак, камчилигини, фикримни айтсам, сира беэътибор қолдирмасди. У киши ҳаётда жуда босиқ, вазмин инсон эди. Бировнинг дилини бекорга оғритиш у ёқда турсин ўзларини хафа қилган одамниям кечириб юборарди. Гоҳо жаҳлим чиқса «У одам битта ёмонлик қилган бўлса, менам ёмонлик билан жавоб қайтарсам унда ёмонлик иккита бўлиб кетади. Шунинг учун қўйинг, ёмонлик кўпаймасин, кечиримли бўлинг», дея уқтирардилар менга.

**-- Зуҳра опа, мунаққид эмас, журналист сифатида кузатганимда. Ўлмас Умарбековнинг ҳикоялари, қисса, роман, драмаларидаги образлар қандайдир иболи, хаёли, сермулоҳаза инсонлар. Шу жиҳатдан ижодкор ўзи билиб-билмай, истаб-истамай асарларида ўзининг образини яратганини сезмайди шекилли. Буни кўпинча китобхон ҳам кейин... анча кейин тушунади. Демоқчиманки...**

-- Ўлмас ака яратган образлар ўзига ўхшайдими, демоқчисизда? Жуда ўхшайди. У киши ҳар бир асарнинг ўзига яраша ҳаё пардаси бўлиши керак, нимадир яширин, сирли, сеҳрли бўлгани яхши. Акс ҳолда одамлар ўртасида ҳам ана шундай парда қолмайди, деган ўйда бўлардилар. Қолаверса, бу ҳақда москвалик таржимонлари Валентин Семёнович Коткин билан бўлган суҳбатларида кўп таъкидлаганларининг гувоҳи бўлганман.

**-- Балки шунинг учундир, асарлари майин куйга ўхшайди. Ўқиган сари ўқигинг, эшитган сари эшитгинг келаверади... Зуҳра опа, бир нарса ҳақида сўрагим келди. Айтингчи, Ўлмас аканинг ёнларида ҳеч зерикармидингиз?**

-- Бир дугонамни эслатдингиз. У нуқул эридан нолиб, шу саволни берарди. Мен буни ҳис этмаганман, чунки бу киши билан шунча яшаб зерикканимни эсламайман.

**-- Ярангизга озор бергим йўқ, лекин домла охирги пайтларда анча бетобландилар, шундайми?**

Зуҳра опа оғир хўрсинди. Жимиб қолди. Кейин девордаги соатга имо қилди. У биру ўттиз олти дақиқани кўрсатганча тўхтаб ётарди.

-- Азиз жонлари узилган пайт... Тўғри, анча дард чекдилар. Тўрт йил. Лекин охирги дақиқагача ҳазил билан, чидам, матонат билан енгишга ҳаракат қилдилар. Нафас йўллари шикастланган эди. Худо ўлчаб берган умр экан, на илож... Ҳатто ёлғизликдан чўчийдиган мениям, қизимниям ёлғизлатиб кетдилар...

Зуҳра опа бошқа гапира олмадилар... Анчадан кейин ичкари уйдан бир қучоқ суратлар кўтариб чиқдилар...

КЕЙИН. Хайрлашиб, кўчага чиқдим. Энди эътибор берибман. Ташқарида ҳам, ичкарида ҳам хайни-ҳашам кўрмадим, сезмадим ҳам. Бўлмаса бу инсон ишлаган даргоҳлари номи билан, ёзган асарлари сони билан ўзи, оиласига кошона қурса арзирди. Асарлари жаҳон кезганда, пьесалари марказ театрларида қўйилганда ҳам ўзидан кетмади. Шукур қилди. У ҳаётда оддийлигу одмилик, камтарлигу камсуқумлик, ўз лафзи билан айтганда ОДАМ БЎЛИБ ЯШАДИ, ёниб-ёниб яшади ва шундай ўтди. Бу йил Пайғамбар ёшида бўлган Ўлмас Умарбековни Яратган эгам ўз раҳматига олган бўлсин, илоё. Муборак кунларда шуни сўрайман...

**Умида ФАЙЗИЕВА.**

---


# Видеомагнитофони

Winner Diamond Head HiFi VCR

SVR-140D

Advanced Deck Technology

ОЛМОСДАН ЯСАЛГАН ВИДЕОКАЛЛАКЧАНИНГ КАФОЛАТИ - 5 ЙИЛ



- Юқори тезликда ўраш "Реактив привод"
- Ўта тез старт
- Челнок усулида бошқариш
- Таймерга қўмаклашиш
- Олд панелда аудио ва видеокириш
- Аудиомонтаж
- 4 дастур/1 ойга дастурлаш таймери
- Рақамли автотрекинг
- LP (Long Play) режими
- Болалардан муҳофаза қулфи
- Мутлоқ узатмасиз видеомагнитофон
- OTR (One Touch Recording) - бир тугмачани босиб ёзиш
- Юқори технологик цеплар
- Индекс бўйича қидирув
- Секинлатиб кўрсатиш
- Тез қидирув
- Нусха кўчириш
- Стоп-кадр ва кадрларни қайта тиклашнинг афзал сифати
- Тўла автомат усулида ишлаш
- Катта дисплей
- Рус тилида дастурлаш

## Фирма дўконлари

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| ТОУ Ко. Лтд. | Тошкент | Амир Темур кўчаси, 110 | (3712) | 34-02-58 |
| | | | | 35-09-86 |
| Кафолат Файз | Тошкент | Эскижўва кўчаси, "Чорсу" бозори | (3712) | 42-29-89 |
| Кафолат Файз | Тошкент | Қодирий кўчаси, 1, "Турон" меҳмон. | (3712) | 41-46-38 |
| Отахон | Фарғона | Ал-Фарғоний кўчаси, 20 | (3732) | 24-78-76 |
| Наврўз | Андижон | Мустақиллик кўчаси, 14 | (37422) | 43-8-60 |

Technology that works for life

SAMSUNG ELECTRONICS

Шартнома асосида етказиб бериш масаласи бўйича мурожаат этинг: "Самсунг Электроникс Ко." Алмати офиси: Алмати, Орбита-3, 52"А" уй. Тел.: (3272) 20-55-36, 20-39-47, 20-63-05. Факс: 20-12-38.

SAMSUNG


---

• Спорт • Спорт • Спорт • Спорт •

## ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА КОМАНДАСИНИНГ КУМУШ МЕДАЛИ



Ҳиндистонда Жавоҳарлал Неру хотирасига бағишланган футбол бўйича анъанавий халқаро мусобақа ниҳоясига етди. Бу йил мусобақада Хитой, Гана, Ҳиндистон, Ироқ ва Ўзбекистон терма командалари иштирок этди.

Бу мусобақада ўзбекистонлик футболчилар учун Ироқ командаси энг «ноқулай» рақиб бўлди. Ироқликлар билан биринчи учрашувда футболчиларимиз 1:6 ҳисобида мағлубиятта учрадилар. Сўнгра Гана командасини 3:2 ҳисобида ютиб ва Хитой ҳамда Ҳиндистон спортчилари билан учрашувни дуранг натижа билан якунлаб, финалда яна Ироқ командаси билан беллашдилар. Бу учрашувда спортчиларимиз ўз дарвозаларидан учта тўп ўтказиб юбордилар, бунга жавобан рақиб дарвозасига атиги битта тўп киритдилар. Натижада футболчиларимиз бу халқаро учрашувда иккинчи ўринни эгалладилар.

**(ЎзА).**

---

«Гулистон» журнали жамоаси ушбу журнални узоқ йиллар бошқарган, замонамизнинг улкан адиби

**Асқад МУХТОРнинг**

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги -- ЎзА жамоаси агентлик Таржима таҳририяти бош муҳаррири М. Бобоевга опаси

**Тошмомо БОБОЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент давлат техника университетининг ректорати, электроника, автоматика ҳамда ҳисоблаш техникаси факультети жамоаси «Физика ва материаллар технологияси» кафедраси мудири, профессор Болтахўжа Умурзоқовга акаси

**Ҳабибулла УМУРЗОҚОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.




ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ.

БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Мерос ва қадриятлар 36-29-89; Қишлоқ хўжалиги 36-07-94; Иқтисодиёт 36-36-65; Маънавият 36-35-60; Тунги муҳарририят 33-10-28; Эълонлар 36-09-25.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — О. Раҳимов. Навбатчи — Ф. Санаев. Мусаҳҳиҳ — А. Худойқулов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0227 40.823 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 22.30 1 2 3 4 5 6